


ТАСДИҚЛАЙМАН

Илм-фанни молиялаштириш ва  
инновацияларни кўллаб қувватлаш  
жамғармаси изро этувчи директори

Б.Охунов



**Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни кўллаб қувватлаш жамғармаси  
расмий веб-сайтини ишлаб чиқиши бўйича**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

\_\_\_\_\_ варақ

Тошкент – 2021 й.

## МУНДАРИЖА

<b>МУНДАРИЖА .....</b>	<b>1</b>
1.1 УМУМИЙ МАЪЛУМОТ .....	3
1.1 ЛОИХАНИНГ ТҮЛИҚ НОМИ ВА ШАРТЛИ БЕЛГИЛАНИШИ .....	3
1.2 БУЮРТМАЧИ ВА БАЖАРУВЧИ .....	3
1.3 ВЕБ-САЙТНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН АСОС .....	3
1.4 МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ .....	3
1.5 БАЖАРИЛГАН ИШЛАР НАТИЖАЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ .....	3
<b>2 ҚИСҚАРТМАЛАР, АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ .....</b>	<b>4</b>
<b>3 ВЕБ-САЙТНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ .....</b>	<b>6</b>
3.1 ВЕБ-САЙТНИНГ МАҚСАДИ .....	6
3.2 ВЕБ-САЙТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ .....	6
<b>4 АВТОМАТЛАШТИРИШ ОБЪЕКТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ .....</b>	<b>6</b>
4.1 АВТОМАТЛАШТИРИШ ОБЪЕКТИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ .....	6
4.2 ВЕБ-САЙТНИНГ ИШЛАШ ШАРОИТЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ .....	7
<b>5 ВЕБ-САЙТГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....</b>	<b>7</b>
5.1 ВЕБ-САЙТГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР .....	7
5.1.1 ВЕБ-САЙТ СТРУКТУРАСИ ВА ФАОЛИЯТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....	7
5.1.2 ВЕБ-САЙТ ТИЗИМИГА РУХСАТСИЗ КИРИШДАН ҲИМОЯЛАНИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР .....	7
5.1.3 АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....	8
5.1.4 ЭРГОНОМИКА ВА ТЕХНИК ЭСТЕТИКАГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....	8
5.1.5 ЛИЦЕНЗИЯ ВА ПАТЕНТ СОФЛИГИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ..	9
5.1.6 СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА ЯГОНАЛАШТИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....	9
5.1.7 БОШҚА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....	10
5.2 ВЕБ-САЙТНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ..	10
5.2.1 ВЕБ-САЙТНИНГ ТИЛ ВЕРСИЯЛАРИ .....	10
5.3 ВЕБ-САЙТ СТРУКТУРАСИ .....	10

5.3.1 ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЧУН МҮЛЖАЛЛАНГАН ИНТЕРФЕЙС СТРУКТУРАСИ .....	10
5.3.2 КОНТЕНТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИГА ҚҰЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.....	19
5.3.3 МОДЕРАТОРЛАРНИ ҚҰШИШ ҲАМДА АВТОРИЗАЦИЯДАН ЎТИШ МОДУЛИГА ҚҰЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....	25
5.3.4 ҚИДИРУВ МОДУЛИГА ҚҰЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....	26
5.3.5 ТАРЖИМОН МОДУЛИГА ҚҰЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....	28
5.3.6 МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИГА КИРИТИЛАДИГАН МАЪЛУМОТ БИРЛИКЛАРИ.....	28
5.3.7 ВЕБ-САЙТ БҮЛİM ВА САХИФАЛАРИГА ҚҰЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.....	32
<b>5.4 ВЕБ-САЙТНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИГА ҚҰЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.....</b>	<b>41</b>
5.4.1 ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТГА ҚҰЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....	41
5.4.2 ЛИНГВИСТИК ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚҰЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....	42
5.4.3 ТАШКИЛИЙ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚҰЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.....	42
5.4.4 ВЕБ-САЙТНИНГ ДИЗАЙН ҚИСМИГА ҚҰЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ..	42
5.4.5 ВЕБ-САЙТДА ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ МАЖБУРИЙ БҮЛГАН АХБОРОТЛАР ҲАМДА ВЕБ-САЙТНИ ЮРИТИШГА ҚҰЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....	43
5.4.6 ВЕБ-САЙТНИНГ ТАРКИБИГА ҚҰЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....	43
<b>6 ВЕБ-САЙТНИ ЯРАТИШ БҮЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР РҮЙХАТИ .....</b>	<b>43</b>
<b>7 НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.....</b>	<b>44</b>

## **1.1 УМУМИЙ МАЪЛУМОТ**

### **1.1 ЛОЙИХАНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ ВА ШАРТЛИ БЕЛГИЛАНИШИ**

Тўлиқ номи: Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб қувватлаш жамғармаси расмий веб-сайти.

Шартли белгиланиши: “Веб-сайт”.

### **1.2 БУЮРТМАЧИ ВА БАЖАРУВЧИ**

Веб-сайтни ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи – Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб қувватлаш жамғармаси. (Бундан буён матнда Буюртмачи деб юритилади.)

**Манзил:** 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Университет кўчаси, 7-йй.

**Тел:** 0 (371) 207-1700, 0 (395) 177-4041.

**Домен:** [www.innofund.uz](http://www.innofund.uz)

**Электрон почта:** [info@innofund.uz](mailto:info@innofund.uz)

Веб-сайтни ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқни тайёрловчи – Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб қувватлаш жамғармаси Ахборот хавфсизлиги ва АКТ бўлими.

Бажарувчи – Буюртмачи билан ўрнатилган тартибда имзоланган шартномага мувофиқ веб-сайтни ишлаб чиқувчи.

### **1.3 ВЕБ-САЙТНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН АСОС**

Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб қувватлаш жамғармаси расмий веб-сайтни ишлаб чиқиш учун қўйидаги хужжатлар асос бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 авгуstdаги “Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 625-сон қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июндаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 373-сон қарори;

### **1.4 МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ**

Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб қувватлаш жамғармаси маблағлари.

### **1.5 БАЖАРИЛГАН ИШЛАР НАТИЖАЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

Буюртмачига веб-сайтни ишлаб чиқиш бўйича иш натижаларини тақдим этиш “Назорат ва қабул қилиш тартиби” бўлимига мувофиқ амалга оширилади.

## 2 ҚИСҚАРТМАЛАР, АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ

Қисқартма	Кенгайтмаси
ОС	Операцион система
МББТ	Маълумотлар базасини бошқариш тизими
ТТ	Техник топшириқ
CMS	Content Management System (контентни бошқариш тизими) - веб-сайт контентини бошқариш учун мўлжалланган тизимларнинг умумий номи
CSS	Cascading Style Sheets (каскад стиллар жадвали) - хужжат кўринишини тасвирлаш технологияси. CSS асосан HTML ва XHTML хужжатларни кўринишини қайта ишлаш учун ишлатилади.
Footer	Веб-сайт саҳифасининг кўйи (подвал) қисми.
Header	Веб-сайт саҳифасининг юқори қисми.
HTML	Hypertext Markup Language (гиперматнли белгилаш тили) – бу хужжатларни интернетга жойлаштириш учун мўлжалланган стандарт тил.
HTTP	Hypertext Transfer Protocol – Гиперматнни узатиш протоколи.
HTTPS	Hypertext Transport Protocol Secure - Гиперматнни ҳавфсиз узатиш протоколи.
PostgreSQL	Реляцион маълумотлар базасини бошқариш тизими.
PHP	Hypertext Preprocessor – дастурлаш тили, веб-серверда HTML саҳифаларни яратиш ва маълумотлар базаси билан ишлаш учун яратилган.
RSS	Rich Site Summary – янгиликларформатларини, мақола эълонларини, блогдаги ўзгаришларни ва бошқаларни тавсифлаш учун XML форматлари оиласи.
SSH	Secure Shell – операционтизимни масофадан бошқариш ва файлларни узатишга имкон берувчи дастур даражасидаги тармоқ протоколи.
SSL	Secure Sockets Layer – сокетларнинг ҳимояланганлик даражаси.
URL	Интернетдаги ресурснинг манзилини кўрсатиш учун маҳсус шакл.
Usability	Фойдаланиш бир вақтнинг ўзида қанчалик осон ва самарали эканлигини белгиловчи интерфейс сифат белгиси.
XML	eXtensible Markup Language – кенгайтирилайдиган белгилаш тили.

**Мослашувчан веб-дизайн** – Интернетта уланган турли хил қурилмаларнинг экранида веб-сайтнинг тўғри кўрсатилишини таъминлайдиган веб-саҳифа дизайнни ва браузер ойнасининг белгиланган ҳажмига динамик равишда мослашади.

**Бошқарув панели** – веб-сайт контентини бошқариш ва улар устида созлашларни амалга ошириш учун мўлжалланган администратор саҳифаси.

**Веб-сайт аудиторияси** – веб-сайтга ташриф буюрган Интернет фойдаланувчиларининг умумий сони.

**Аутентификация** – маълумотлар базасида мавжуд фойдаланувчини аутентификация қилиш.

**Администратор** – веб-сайтни бошқарадиган ва CMSда максимал ҳукуқларга эга бўлган шахс ёки шахслар гуруҳи.

**Браузер** (veb-brauzer) – веб-сайтларни кўриш, қайта ишлаш, кўрсатиш ва бир саҳифадан бошқасига ўтказиш учун мўлжалланган дастурний таъминот.

**Веб-сайт** – фойдаланувчиларга турли фойдали хизматлар ва бир ёки бир неча соҳалар бўйича тўлиқ ва долзарб маълумотларни олиш имкониятини берувчи бир ёки бир неча мантиқий боғланган веб-саҳифалар.

**Веб-саҳифа** – фойдаланувчи браузери томонидан кўрсатилган веб-сайтнинг битта саҳифаси.

**Веб-сайтнинг ички саҳифаси** – веб-сайтнинг бош саҳифасидан бошқа барча саҳифалари.

**Веб-сайт дизайнни** – веб-сайт тузилмаси учун ишлаб чиқилган график дизайн ва маълумотларни тақдим этиш усувлари.

**Динамик саҳифа** - маълумотлар базасидан маълумотларни қайта ишлайдиган ва намойиш этадиган дастурний таъминот билан яратилган веб-саҳифа.

**Фойдаланувчи қисми** – веб-сайтнинг интернет тармоғида фойдаланувчилар учун очиқ бўлган қисми.

**Контент** – веб-сайтга киритилган маълумотлар тўплами.

**Веб-сайт модератори, редактори, контент-менеджери** – веб-сайт маълумотларини қўллаб-қувватловчи мутахассис.

**Модуль** – алоҳида дастурний компонент.

**Модератор** – веб-сайт контентини бошқарувчи.

**Alumni** – биттирувчи. (коллеж, университет, магистриратура.....)

**Фойдаланувчи** – веб-сайтга жойлаштирилган матн, аудио, видео ва бошқа маълумотларни кўриш, юклаб олиш учун веб-сайтдан фойдаланадиган шахс.

**Дастурчилар** – веб-сайтни график ҳамда дастурий томондан ишлаб чиқиб, уни ишга туширувчи шахслар гурухи.

**Веб-сайт структураси** – веб-сайтнинг тузилиши бўлиб, унда бўлим ва саҳифалар жойлашуви тартиби акс эттирилади.

**Филтрлаш** – элементларнинг тўпламидан маълум параметрларга мос келадиган элементларни танлаш имконини берадиган дастурий таъминот компоненти.

**Хостинг** - интернетга доимий равишда уланадиган серверда веб-сайт базаси ва маълумотларини учун жой бериш хизмати.

**Роль** – веб-сайт контентини бошқариш учун фойдаланувчиларга бериладиган имтиёзлар даражаси.

### **3 ВЕБ-САЙТНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

#### **3.1 ВЕБ-САЙТНИНГ МАҚСАДИ**

Веб-сайт фойдаланувчиларига Илм-фанны молиялаштириш ва инновацияларни кўллаб қувватлаш жамғармаси фаолияти тўғрисида барча зарур маълумотларни интернет тармоғи орқали тезкор тақдим этиб бориш, интерактив хизматларни онлайн кўрсатиш ҳамда зарур маълумотлар базасини онлайн шакллантириш.

#### **3.2 ВЕБ-САЙТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

Веб-сайтнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- жамғарма фаолияти ҳамда жамғарма томонидан амалга оширилган ташаббуслар, инновацион лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек танловлар, тендерларни мунтазам эълон қилиб бориш учун интернет тармоғида қулай майдонни яратиш;
- аҳоли айниқса ёшлар, олимлар ҳамда интернет фойдаланувчилари орасида инновацион муҳитни шакллантиришга хисса қўшиш;
- фойдаланувчилар жамғарма фаолиятига оид барча турдаги маълумотларни тезкор топишлари ва зарур ҳолларда юклаб олишлари учун қулай имкониятларни тақдим этиш.

### **4 АВТОМАТЛАШТИРИШ ОБЪЕКТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **4.1 АВТОМАТЛАШТИРИШ ОБЪЕКТИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ**

Веб-сайтда қуйидаги жараёнлар автоматлаштирилади:

1. Стажировка мавзулар банкини онлайн шакллантириш;
2. Мақсадли танловлар мавзулар банкини яратиш;
3. Фан йўналишлари бўйича эълон қилинган танлов натижаларини онлайн билиш;
4. Стажировка танлови учун онлайн рўйхатдан ўтиш.

- Лаборатория асбоб-ускуналари маълумотларни киритилганда бўлимдан вилоятни танлаш орқали Инфографикага натижалар ўзгаради.

## **4.2 ВЕБ-САЙТНИНГ ИШЛАШ ШАРОИТЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

Веб-сайт интернет тармоғида ишлашга мўлжалланган бўлиб, “UZ” домени худудида жойлашади. Веб-сайтнинг нормал ишлашини таъминлаши учун мавжуд дастурий ва техник воситалар уларга қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак.

Бажарувчи Буюртмачига вақтинча синов доменини ва веб-сайтни синовдан ўтказиш ва қабул қилиш учун бепул вақтинчалик хостинг тақдим этиш мажбуриятини олади.

Домен номи ва веб-сайтнинг кейинги ишлаши даврида хостингни олиш мажбурияти Буюртмачига юклатилади.

## **5 ВЕБ-САЙТГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

### **5.1 ВЕБ-САЙТГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР**

#### **5.1.1 ВЕБ-САЙТ СТРУКТУРАСИ ВА ФАОЛИЯТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Веб-сайт ташқи интернет тармоғидан туриб фойдаланиш имконияти бўлган мижоз-сервер архитектураси асосида қурилган веб-дастур сифатида лойиҳаланади ва амалга оширилади.

Веб-сайтнинг асосий таркибий элементлари қўйидагилардан иборат:

- Фойдаланувчи интерфейси(*Front-end*);
- Дастурий таъминот қисми (*Back-end*);
- Администратор ва модераторлар учун интерфейс;
- Модераторларни қўшиш ҳамда авторизациядан ўтиш модули;
- Қидирув модули;
- Таржимон модули;
- Натижалар модули;
- Маълумотлар базаси.

#### **5.1.2 ВЕБ-САЙТ ТИЗИМИГА РУХСАТСИЗ КИРИШДАН ҲИМОЯЛАНИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР**

Веб-сайт қўйидаги хавфсизлик талабларига жавоб бериши керак:

- дастурий таъминот ва техник ҳимоя воситалари асосий функционал хусусиятларга сезиларли даражада таъсир қиласлиги;
- ахборотни қайта ишлашнинг барча технологик босқичларида ва белгиланган барча иш жараёнларида, шу жумладан таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишлари вақтида хостинг хизматини кўрсатувчи томонидан ахборотларнинг хавфсизлиги таъминланиши;

- хостинг хизматини кўрсатувчи томонидан веб-сайтнинг сервер қисмларига фақатгина қатъий белгиланган ходимларгагина IP-манзиллар ҳамда маҳсус яширин ҳавола орқали кириш имкониятини бериши керак.

Веб-сайт маълумотлари ҳимоясини таъминлаш усуслари ва алгоритмларини танлаш Бажарувчининг зиммасидадир.

Веб-сайт тизимиға руҳсатсиз киришдан ҳимояланиш учун хавфсизлик тизимларидан фойдаланган ҳолда сервернинг тармоқ хизматларига киришни чекланади.

### **5.1.3 АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Веб-сайтда дастурний таъминот бузилганда ҳам ахборот хавфсизлиги таъминланган бўлиши керак.

Веб-сайт тизимиға кириш учун логин ва пароллар юқори даражада ҳимояланади ва хавфсиз сақланиши таъминланади.

Контентни бошқариш тизимиға кириш параметрлари HASH функцияланган бўлиши керак. Веб-сайт дастурний таъминоти турли хаккерлик хужумлар ҳамда валидациялардан ҳимояланган бўлиши шарт.

SSL сертификатга эга бўлиш мажбурияти Буюртмачига, SSL сертификатни хостингга созлаш мажбурияти Бажарувчи зиммасига юкландади.

Веб-сайт ишлаб чиқилганидан сўнг бир йил (365 кун) ичida веб-сайт ахборот хавфсизлиги бўйича экспертизадан ўтказилади. Экспертиза хулосасига кўра веб-сайт тизимида ахборот хавфсизлиги бўйича камчиликлар аниқланса, камчиликлар Бажарувчи томонидан 10 иш куни ичida тўлиқ бартараф этилади.

### **5.1.4 ЭРГОНОМИКА ВА ТЕХНИК ЭСТЕТИКАГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Веб-сайт қўйидаги талабларга жавоб берадиган стандарт визуал график интерфейс орқали фойдаланувчига зарур қулайликни таъминлаши керак:

- фойдаланувчи интерфейси қулай ва содда бўлиши;
- ахборотни қайта ишлаш жараёнлари учун экранда жараённинг бориши ва жараёнда фойдаланувчиларга тегишли хабарлар етарлича кўрсатилиши;
- веб-сайт интерфейси ўзбек (кирилл, лотин), рус ҳамда инглиз тилларида тақдим этилиши керак.

Визуал график интерфейс замонавий эргономик талабларга жавоб бериши ва маълумотлар, интерактив хизматлардан фойдаланишда қулайликни таъминлаши керак.

Фойдаланувчиларга барча шаклдаги контентлар ҳамда тизим хабарлари ўзбек (кирилл, лотин), рус ҳамда инглиз тилларида тақдим этилади.

Барча формалар, улардаги майдон номлари ва изоҳлар фойдаланувчининг танлаган интерфес тилида кўрсатилади.

Формалар ва улардаги майдонлар, тугмалар қўйидаги бир хиллик талабларига жавоб бериши керак:

- фойдаланувчи интерфейсининг барча саҳифаларидағи формаларнинг асосий бошқарув элементларини бир хил дизайнда ва бир хил шаклда жойлаштириш;
- бир хил амалларни бажариш учун мос келувчи бир хил график пиктограммалар, тугмалар ва бошқа бошқарув (навигация) элементларидан фойдаланиш;
- типик амалларга мурожаат қилиш учун ишлатиладиган атамалар (ахборот объектини қўшиш, маълумотларни таҳрирлаш) ҳамда амалларни бажаришда фойдаланувчиларнинг ҳаракатлар кетма-кетлиги ҳисобга олинган бўлиши;
- интерфейс элементларининг ташки томондан хатти-ҳаракати (сичқонча кўрсаткичини силжитиши, фокусни алмаштириши ва тугмани босиш реакцияси) бир хил турдаги элементлар учун бир хил тарзда амалга оширилиши керак.

Веб-сайтнинг фойдаланувчи ҳаракатларига жавоб қайтариш вақти 3 секунддан ошмаслиги шарт.

### **5.1.5 ЛИЦЕНЗИЯ ВА ПАТЕНТ СОФЛИГИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Веб-сайт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган патентлашга оид қонунчилик нормаларини бузмаслиги ҳамда муаллифлик ҳуқуки тўғрисидаги тегишли хужжатларга эга бўлиши шарт.

Веб-сайтни ишлаб чиқиши жараёнида фойдаланиладиган дастурий таъминот ва қўшимча воситалар бошқа ташкилот ва идораларнинг лицензия ва муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслиги керак.

Патент софлиги талабларига риоя қилиш Бажарувчининг жавобгарлиги ҳисобланади.

### **5.1.6 СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА ЯГОНАЛАШТИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Веб-сайтнинг визуал график интерфейси учун стандарт формалар ва ягона таснифлагичлардан максимал фойдаланилади. Веб-сайтни ишлаб чиқища фойдаланиладиган усуллар ва алгоритмлар масалаларни энг оптимал ечим асосида ҳал қилиш учун мослаштирилган бўлиши керак.

Веб-сайт билан қулай ишлаш учун одатий қурилмалар 5.4.1-банда кўрсатилган дастурий таъминотга қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак.

## **5.1.7 БОШҚА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Веб-сайт Инновацион ривожланиш вазирлиги ахборот тизими билан интеграция қилинади. (Бошқа ахборот тизимлар билан фақат ахборот тизими линки орқали уланади.) Шунингдек, келгусида бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши инобатга олинган бўлиши керак.

## **5.2 ВЕБ-САЙТНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

### **5.2.1 ВЕБ-САЙТНИНГ ТИЛ ВЕРСИЯЛАРИ**

Веб-сайтнинг интерфейси ўзбек (кирилл, лотин), рус ҳамда инглиз тилларида мавжуд бўлади.

Веб-сайт интерфейсининг асосий тили сифатида ўзбек (лотин) тили белгиланади.

Фойдаланувчилар учун веб-сайтнинг исталган жойида интерфейс тилини ўзгартириш имконияти бўлади.

## **5.3 ВЕБ-САЙТ СТРУКТУРАСИ**

### **5.3.1 ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ИНТЕРФЕЙС СТРУКТУРАСИ**

Веб-сайтнинг бош саҳифасидаги ҳар бир бўлим фойдаланувчи қурилмасининг (*компьютер, планшет, телефон*) мониторида тўлиқ битта саҳифа бўлиб (*One Page*) кўринади.

Шунингдек, бош саҳифанинг бўлимлари жойлашган саҳифанинг чап юқори қисмида бош меню ва саҳифанинг чап қутийи қисмида ижтимоий тармоқ логотиплари жойлаштирилади.

Бош меню “**Аккордеон**” усулида вертикал очилади.

Веб-сайтнинг бош саҳифа структурасида бўлимлар қуйидаги тартибда жойлашади:

Сайтнинг юқори қисми. <i>(TOP)</i>	<p><b>Жамғарманинг логотипи ва номи.</b> Жамғарманинг логотипи ва номи ўзбек (кирилл, лотин), рус ҳамда инглиз тилларида жойлаштирилади.</p> <p><b>Бош меню.</b> Фойдаланувчилар учун мўлжалланган интерфейснинг барча саҳифалари юқори (TOP) қисмида горизонтал ҳолатда ҳамда бош саҳифанинг ҳар бир бўлими жойлашган саҳифанинг юқори чап томонида вертикал ҳолатда жойлаштирилади.</p> <p>Бош меню таркиби қуйидагилардан иборат бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>• Жамғарма:</li></ul>
---------------------------------------	---

- Жамғарма ҳақида;
- Жамғарма кузатув кенгashi;
- Раҳбарият;
- Жамғарма тузулмаси;
- Бўлимлар;
- Бўш иш ўринлари.
- Фаолият:
  - Жамғарма фаолияти;
  - Давлат дастури;
  - Лойиҳалар мониторинги;
  - Халқаро муносабатлар;
  - Иш режа;
  - Очиқ маълумотлар;
  - Давлат харидлари тўғрисида маълумот;
  - Мурожаатлар билан ишлаш.
- Янгиликлар:
  - Хабарлар;
  - Нашрлар (*Веб-сайтга ҳавола*);
  - ОАВ биз ҳақимизда;
  - Фото-видеогалерея;
  - Контентлар бўйича статистика.
  - Илмий лаборатория асбоб-ускуналари:
  - Энг мақбул таклифларни танлаш;
  - Лаборатория асбоб-ускуналари турлари;
  - Инфографика.
- Стажировка:
  - Стажировка ҳақида;
  - Умумий танловлар;
  - Мақсадли танловлар;
  - Танлов натижалари;
  - Инфографика;
- Alumni
  - Ҳужжатлар:
  - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти;
  - Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси;
  - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали;
  - Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси;
  - Ягона интерактив давлат хизматлари портали;

- Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳуқуқий интернет портали;
  - Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар портали;
  - Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
- **Боғланиш.**

**Слайдер.** Бош саҳифанинг юқори (TOP) қисмидаги жойлашади ва фақат шу саҳифада кўринади. Слайдерда долзарб хабарлар, эълонлар, тендерлар ҳамда махсус тайёрланган видеоролик айланади.

**Қидирув модули.** Веб-сайтнинг фойдаланувчилар учун очик бўлган маълумотлардан излаш имкониятини берувчи қидирув модулининг формаси жойлаштирилади.

**Тилни ўзгартириш тугмалари.** Веб-сайт интерфейси тилини ўзгартириш учун махсус тугмалар жойлаштирилади (*ўзбек (кирилл, лотин), рус ҳамда инглиз тиллари* учун).

**Ижтимоий тармоқ белгилари.** Жамғарманинг куйидаги ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари ҳамда видео порталлардаги каналларига ҳаволалар жойлаштирилади:

- Facebook;
- Instagram;
- Telegram;
- Youtube.

Веб-сайт маълумотларини ижтимоий тармоқларда бўлишганда ҳавола, маълумот мавзуси ҳамда миниатураси **мета теглар** ёрдамида лойиха бажарувчилар ва буйуртмачи томонидан келишилган ҳолда ишлаб чиқилши таъминланади:

**Махсус имкониятлар.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июндаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 373-сон қарорида келтирилган талаблар асосида махсус имкониятли қўшимча функциялар яратилади ҳамда улардан тезкор фойдаланиш учун махсус тугмалар жойлаштирилади:

- Зайф қўрувчилар учун;
- Мобил талқинга ўтиш;
- Овозли ўқиш;
- Сайт ҳаритаси.

Бош саҳифа  
бўлимлари.  
(CONTENT)

**Янгиликлар.** Бош саҳифанинг “Янгиликлар” бўлимида жами 12 та энг сўнги янгиликлар кўрсатилади. Шундан 12-янгилик фонида веб-сайтга жойлаштирилган барча янгиликларнинг умумий сони ва барча янгиликларни кўриш учун “Барча янгиликлар” тугмаси жойлаштирилади.

Ҳар битта янгилик учун ажратилган жой фонида куйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- янгилик номи;
- чоп этилган сана;
- кўришлар сони;
- Бўлишмоқ. (Инстаграм, фейсбук, телеграм)

Янгиликларнинг мавзулари устига сичқонча кўрсаткичи боргандা “hover” функцияси ёрдамида мавзу номи тўлиқ кўрсатилади.

Ушбу бўлимда **Инновацион ривожланиш вазирлиги** веб-сайтининг “янгиликлар” бўлими билан интеграция қилинади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги веб-сайтининг “Янгиликлар” бўлимига қўйилган янги хабарларни автомат тарзда ҳар 30 минутда сўров юборган холатда вазирлик сайтига қўйилган сўнгти хабарларни юклаб олади.

Маълумотларни юклаб олишда сайт ишлаш тезлигига тасир қилмаслиги керак.

**Илмий лаборатория асбоб-ускуналари:** Бўлимда лаборатория асбоб-ускуналари хақида маълумотлар жойлаштирилади.

“**Илмий лаборатория асбоб-ускуналари**” бўлимида жами 12 та энг сўнги Илмий лаборатория асбоб-ускуналари кўрсатилади. Шундан 12-Илмий лаборатория асбоб-ускуналари веб-сайт фонида жойлаштирилади. Барча Илмий лаборатория асбоб-ускуналарининг умумий сони ва Илмий лаборатория асбоб-ускуналарини кўриш учун саҳифа марказида “**Яна кўриш**” тугмаси жойлаштирилади. Ҳар сафар тугма босилганда саҳифага навбатдаги 12 та Илмий лаборатория асбоб-ускуналари юкланиб боради.

Асосий саҳифада фақатгина 12 та Илмий лаборатория асбоб-ускуналари юкланиб боради ҳамда саҳифа марказида кейинги ойналарни кўриш учун 1-2-3-4... тутмалар босилади. “**Барча тутмаси**” босилганда “**Илмий лаборатория асбоб-ускуналари**” бўлимига ўтилади.

Илмий лаборатория асбоб-ускуналари шаклида күйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- лаборатория асбоб-ускуналари номи;
- чоп этилган сана;
- кўришлар сони;
- Бўлишмоқ. (Инстаграм, фейсбук, телеграм)

Лаборатория асбоб-ускуналари мавзулари устига сичқонча кўрсаткичи боргандা “**hover**” функцияси ёрдамида мавзу номи тўлиқ кўрсатилади.

**“Инфографика” - “Илмий лаборатория асбоб-ускуналари”** бўлимига киритилаётган маълумотлар асосида автомат таризда вилоятлар кесимида ўзгариб боради. Вилоят кесимида маълумот бўлмаса инфографикада ушбу вилоят инфографикада кўрсатилмайди. Қачонки маълумот модератор томонидан киритилганда Лаборатория асбоб-ускуналари ҳақидаги маълумотларни киритилганда ушбу бўлимдан вилоятни танлаш орқали Инфографикага кўшилади. Лаборатория асбоб-ускуналари бўлимидағи вилоят номи фақатгина модераторга кўринади.

**Статистика.** Бўлимда Стартап лойихаларни молиялаштириш, Илмий стажировкаларни молиялаштириш, Инновацион фаолият субъектларини молиялаштириш ҳамда Лойихаларни қуллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш бўйича статистик графиклар жойлаштирилади. Графиклар битта ойнада жойланади ва маҳсус тугма орқали кейинги статистика графикларини кўриш мумкин бўлади.

Статистка графиклари веб дизайнер ва буйуртмачи томон билан бирга ишлаб чиқилади.

**Стажировка.** Бўлимда барча фойдаланувчилар учун очик бўлган маҳсус форма жойлаштирилади. Мазкур форма орқали фойдаланувчилар ўзининг стажировка ўташ учун ўқиш жойи бўйича тегишли маълумотларни юборади.

Юборилган маълумотлар стажировка базасига киритилади ва модерациядан ўтказиш сахифасига юборилади. Модератор томонидан руҳсат берилган стажировка “Натижалар” сахифасида кўринади.

Умумий стажировка формада кўйидаги тугма ва майдонлар бўлади:

- Ф.И.Ш\*;
- Телефон\*;
- Почта\*;
- Иш жойи ва лавозими\*;
- Стажировка ўтказиладиган давлат, қабул қилувчи ташкилотлар\*;
- Стажировка давомийлиги\*;
- Стажировка ўташ соҳасини танлаш (*Ахборот технологиялари, Қишлоқ хўжалиги, Соғлиқни сақлаш, Илм-фан, Бизнес, Сиёсат, Иқтисодиёт, Экология, Туризм, Бошқалар*)\*;
- Тавсифи (Кўшимча маълумотларни ёзинг)\*;
- Кузатув хатини юклаш (*Файл формати: .doc, .pdf, .djv, .txt, .png, .gif, jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- Стажировка режаси (*Файл формати: .doc, .pdf, .djv, .txt, .png, .gif, jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- Илмий кенгаш қарори (*Файл формати: .doc, .pdf, .djv, .txt, .png, .gif, jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- Стажировка ўташ учун таклифнома (*Файл формати: .doc, .pdf, .djv, .txt, .png, .gif, jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- Стажировка дастури (*Файл формати: .doc, .pdf, .djv, .txt, .png, .gif, jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- Маълумотнома (*Файл формати: .doc, .pdf, .djv, .txt, .png, .gif, jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- Олий маълумот тасдиқловчи хужжат (*Файл формати: .doc, .pdf, .djv, .txt, .png, .gif, jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- Паспорт (*Файл формати: .doc, .pdf, .djv, .txt, .png, .gif, jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- PhD диплом (агар мавжуд бўлса) (*Файл формати: .doc, .pdf, .djv, .txt, .png, .gif, jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*);
- IELTS (агар мавжуд бўлса) (*Файл формати: .doc, .pdf, .djv, .txt, .png, .gif, jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*);
- САРТСНА;
- Юбориш.

Мақсадли танловлар шаклида қуидаги тугма ва майдонлар бўлади:

- Ф.И.Ш\*;
- Телефон\*;
- Почта\*;

- Иш жойи ва лавозими\*;
- Стажировка ўтказиладиган давлат (*Стажировкалар рўйхати модератор томонидан олдиндан киритилган бўлади. Стажирофкачи бу бўлимда ўзига керакли мақсадли танловлар турини танлайди. Стажовкалар рўйхат “Стажировка учун мавзулар банки” бўлими билан боғланган бўлади.)*)\*;
- Стажировка давомийлиги\*;
- Стажировка ўташ соҳасини танлаш (*Ахборот технологиялари, Қишлоқ хўжалиги, Соғлиқни сақлаш, Илм-фан, Бизнес, Сиёсат, Иқтисодиёт, Экология, Туризм, Бошқалар*)\*;
- Тавсифи; (Кўшимча маълумотларни ёзинг);
- Кузатув хатини юклаш (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- Стажировка режаси (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- Илмий кенгаш қарори (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- Стажировка ўташ учун таклифнома (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- Стажировка дастури (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- Маълумотнома (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- Олий маълумот тасдиқловчи хужжат (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- Паспорт (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- PhD диплом (агар мавжуд бўлса) (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- IELTS (агар мавжуд бўлса) (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*)\*;
- CAPTCHA\*;
- Юбориш.

Модератор учун базага келиб тушган маълумотларни ойлик, хафталиқ ва умумий хисоботни excel форматида юклаб олиш функцияси бўлиши керак. Бунда маълумотлар Ф.И.Ш, Телефон, Почта, Иш жойи ва лавозими, Стажировка

ўтказиладиган давлат, қабул қилувчи ташкилотлар, Телефон, Почта, Стажировка ўташ соҳани ўз ичига олади.

*Изоҳ: \* - тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар.*

**Alumni.** Бўлимда ғолиб номзодлар стажировка ўтаб келган илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича битирувчилар ҳақида умумий маълумотлар келтирилади.

Ушбу саҳифа структурасини ишлаб чиқишида креатив ёндашиш лозим. Дастреб *стажировкачилар* рўйхати жойлашган саҳифа очилади. Рўйхатда енг сўнги 8 та стажировкачининг қўйидаги маълумотлар бўлади:

- стажировка/масъул шахснинг расми;
- **стажировка/масъул шахснинг лавозими** (*Батофисл маълумотни кўриши учун ҳавола жойлаштирилади*);
- тўлиқ фамилия, исми, шарифи;
- Таълим йўналиши (*стажировка биттирувчиси ҳақида умумий маълумотлар ва фото лавхалар келтирилади*);
- электрон почта манзили;
- телефон рақами;

Ушбу маълумотлар модератор томонидан киритилади.

**Медиатека.** Бўлимда 4 та видеогалерея ҳамда 4 та фотогалерея кетма-кетликда икки қатор қилиб жойлаштирилади. Галереялар яратилган санасига кўра саралаб олинади ва ўсиш тартибида жойлаштирилади.

Видеогалереялар жойлашган қатор охиридаги 4-videogalerея фонида веб-сайтга жойлаштирилган барча видеогалереяларнинг умумий сони ва уларнинг барчасини кўриш учун “**Барча видеогалереялар**” тугмаси жойлаштирилади.

Худди шундай фотогалереялар жойлашган қатор охиридаги 4-фотогалерея фонида веб-сайтга жойлаштирилган барча фотогалереяларнинг умумий сони ва уларнинг барчасини кўриш учун “**Барча фотогалереялар**” тугмаси жойлаштирилади.

Ушбу бўлимда **Инновацион ривожланиш вазирлиги** веб-сайтининг “**янгиликлар**” бўлими билан интеграция қилинади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги веб-сайтининг “**Медиатека**” бўлимига қўйилган янги видео ва фотоларни автомат тарзда хар 1 соатда сўров юборган холатда вазирлик сайтига қўйилган сўнгги видео ва фотоларни юклаб олади.

	<p>Маълумотларни юклаб олишда сайт ишлаш тезлигига тасир қилмаслиги керак.</p> <p><b>Фойдали ҳаволалар.</b> Бўлим бош саҳифада “Медиатека” бўлими билан битта саҳифада кетма-кет жойлашади. Бўлимда куйидаги веб-сайтлар логотиплари, номлари ва ушбу сайтларга тўғридан-тўғри ўтиш учун ҳаволалар жойлаштирилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти;</li> <li>- Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси;</li> <li>- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали;</li> <li>- Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг мухокамаси;</li> <li>- Ягона интерактиф давлат хизматлари портали;</li> <li>- Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳуқуқий интернет портали;</li> <li>- Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали;</li> <li>- Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.</li> </ul> <p>Ҳаволаларга мурожаат қилинганда тегишли сайтлар браузернинг янги саҳифасида очилади. (<i>target = "blank"</i>).</p> <p>Бўлимда веб-сайтлар рўйхати слайдер кўринишида бир қатор қилиб жойлаштирилади. Слайдерда 4 та веб-сайт бир вақтда кўринади. Слайдерни бошқариш учун (<i>Олдинга ўтказиш ва орқага қайтариш</i>) тутгалари бўлади.</p>
	<p><b>Боғланиш учун маълумотлар.</b> Бўлимда Жамғарма билан боғланиш ҳамда қўшимча ахборотлар олиш учун қуйидагилар жойлаштирилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Жамғарманинг юридик манзили ва почта индекси;</li> <li>- Телефон;</li> <li>- Ишонч телефон;</li> <li>- Почта;</li> <li>- Иш кунлари ва вақтлари;</li> <li>- Қабул кунлари ва вақтлари;</li> <li>- Ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларга ҳаволалар.</li> </ul> <p><b>Геолокация.</b> Жамғарма биноси жойлашган манзил кординатаси онлайн харитада кўрсатилади ва бу “<b>Боғланиш учун маълумотлар</b>” саҳифаси билан битта бўлимда жойлашади.</p>

<p><b>Сайтнинг қуи қисми. (FOOTER)</b></p>	<p>Веб-сайтнинг қуи <b>(FOOTER)</b> қисмида қуидагилар жойлаштирилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ташкилот логотипи;</li> <li>- Жамғарма номи;</li> <li>- Муаллифлик ҳуқуқи белгиси;</li> <li>- Веб-сайт ишлаб чиқилган йил;</li> <li>- Бажарувчи веб-сайтига ҳавола;</li> <li>- Веб-сайтга ташрифлар сонини ҳисоблагиб.</li> <li>- Бизга хабар жўнатинг. (Онлайн оператор)</li> </ul>
--	--

*Бош сахифани ишлаб чиқишида бажарувчи томонидан таклиф қилинган ўзгаришилар ва қулайлар инобатга олинади.*

### **5.3.2 КОНТЕНТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Контентни бошқариш тизими (*администратор ва модераторлар учун мўлжалланган интерфейс*) факат битта тилда ишлайди. Контентни бошқариш тизими интерфейсини яратишида интерфейс тили учун Бажарувчи ўзбек ёки рус тилидан бирини танлаши мумкин.

Администратор ва модераторлар контентни бошқариш тизимига кириш учун авторизациядан ўтади. Авторизациядан ўтиш учун яратилган саҳифа ҳаволаси маҳфийлиги таъминланади. Саҳифа ҳаволасида “/admin”, “/administrator” каби стандарт калит сўзлардан фойдаланилмайди.

Веб-сайтга матнлар ўзбек (кирилл), рус ҳамда инглиз тилларида киритилади. Ўзбек (кирилл) тилида киритилган матнлар “**Таржимон модули**” орқали автоматик тарзда лотин алифбосига ўгирилади, маълумотлар базасига ёзилади ва веб-сайтнинг **ўзбек (лотин)** тилидаги интерфейсида қўрсатилади. **Ўзбек (лотин)** тилидаги контентларни ҳам таҳрирлаш имконияти бўлиши керак.

Веб-сайт контентини бошқариш тизимида веб-сайт администратори ҳамда модератори контентларни осон ва қулай бошқаришлари учун (*қўшиш, таҳрирлаш, ўчириш, вақинча яшириш*) “MS Word” матн муҳарири каби функционал имкониятларига эга бўлган визуал редактор жойлаштирилади.

Визуал редакторда қуидаги асосий функция ва имкониятлар бўлиши шарт:

- HTML режимида саҳифа контентини ўзгартириш;
- матнлар ва объектлар (*медиа файллар*) жойлашувини (*чапга, ўнга, ўртага, саҳифа кенглигига тўғирлаш*) ўзгартириш;
- матн стилини танлаш (*қалин, курсив, пастки чизиқли*);
- рақамли ва белгили рўйхатларни яратиш;
- матнга ҳавола жойлаштириш, ўчириш ва ўзгартириш;
- ҳаволаларни вақтинча яшириш тутмасини жойлаштириш;

- ҳаволалар жойлаштириш:
  - ташқи ҳавола (*ташқи манбанинг URL манзили*);
  - ички ҳавола (*веб-сайтдаги барча каталоглардаги файлларни ҳамда саҳифаларни танлаши*);
- охирги ҳаракатни бекор қилиш (*қайтариш*), олдинги ҳаракатга қайтиш;
- жадваллар билан ишлаш (*жадвал қўшиши, қатор ва устун қўшиши, ўчириши, майдон фони ва жадвал чегаралари рангини ўзгартириш*).


Тизимда контентни бошқариш қуидаги роллар бўйича тақсимланади:

- **Администратор** – барча маълумотларни қўшади, ўчиради, таҳрирлайди ҳамда модераторларни бошқаради. Модераторларинг профил маълумотларини ва паролни ўзгартиради. Модераторларни фақат администратор қўшади ва уларга тегишли контентларни бошқариш хуқукини белгилаб беради;
- **Модератор** – администратор томонидан белгилаб берилган хуқуқлар доирасида веб-сайт контентини бошқаради. Ўзининг профил маълумотларини ҳамда паролини ўзгартириш хуқуқига эга бўлмайди.

Веб-сайт контентини бошқариш учун модераторларга қуидаги хуқуқлар берилади:

- **Модератор-1.** Веб-сайт контентидаги барча маълумотларни бошқаради (*қўшади, ўзгартиради, ўчиради*). Администратор ва модераторларнинг профил маълумотлари бундан мустасно;
- **Модератор-2. “Боғланиш”** саҳифаси орқали келиб тушган мурожаатларни ижрога йўналтиради ҳамда саволларга жавоб беради. Модератор томонидан берилган жавоблар мурожаат муаллифи кўрсатган электрон почтага юборилади. Web сайт учун кунлик янгиликлар ва иккинчи модератор учун администратор томонидан тегишли бўлимлар учун рухсат этилган контентларни ҳамда **“Мурожаатлар статистикаси”** саҳифаси маълумотларини киритади, ўзгартиради, ўчиради.
- **Модератор-3. “Стажировка”, ва “Alumnіy”** саҳифаларини бошқаради. Маълумотларни қўшади, ўзгартиради, ўчиради. Стажировка учун юборилган мавзуларни ҳамда фойдаланувчи томонидан қўшилган хужжат маълумотларни модерациядан ўтказади. **“Инфографика”** саҳифаси маълумотларини киритади, ўзгартиради, ўчиради.

Контентни бошқариш тизими (Бошқарув панели) интерфейсининг структураси қуидаги қисмлардан иборат бўлади:



#### Бошқарув панелининг ТОП қисмида:

- Бошқарув панелига ўтиш учун тугма;
- Созлаш (*Настройка*);
- Менюни ёпиш/очиш учун тугма;
- Администратор ва модераторларнинг бошқарув панелидан чиқишилари учун “Чиқиши” тугмаси жойлаштирилади. (*Бошқарув панелида “Киши” учун тугма жойлаштирилмайди.*).

Бошқарув панели менюсида қуидаги бандлар жойлаштирилади:

- Фойдаланувчилар;
- Баш меню;
  - Жамғарма:
    - Жамғарма ҳақида;
    - Раҳбарият;
    - Жамғарма тузулмаси;
    - Жамғарма кузатув кенгаши;
    - Бўлимлар;
    - Бўш иш ўринлари.
  - Фаолият:
    - Жамғарма фаолияти;
    - Давлат дастури;
    - Лойиҳалар мониторинги;
    - Халқаро муносабатлар;
    - Иш режа;
    - Очиқ маълумотлар;
    - Давлат харидлари тўғрисида маълумот;
    - Мурожаатлар билан ишлаш.
  - Янгиликлар:
    - Хабарлар;
    - Нашрлар (*Веб-сайтга ҳавола*);

- ОАВ биз ҳақимизда;
- Фото-видеогалерея;
- Контентлар бўйича статистика.
- Илмий лаборатория асбоб-ускуналари:
  - Лаборатория асбоб-ускуналари турлар;
  - Инфографика.
- Стажировка:
  - Стажировка нима;
  - Умумий танловлар;
  - Мақсадли танловлар;
  - Натижалар;
  - Инфографика.
- Alumni
- Хужжатлар:
  - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти;
  - Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси;
  - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали;
  - Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий хужжатларнинг мухокамаси;
  - Ягона интерактив давлат хизматлари портали;
  - Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳуқуқий интернет портали;
  - Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар портали;
  - Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
- Боғланиш.

“CONTENT” қисмида менюдан танланган бандга тегишли маълумотлар рўйхати ва уларни бошқариш учун форма майдонлари кўрсатилади.

Рўйхатнинг юқори қисмида “Кўшиш” тутгаси ҳамда маълумотларни фильтрлаш, рўйхатдаги маълумотлар ичидан калит сўзлар орқали керакли мақолаларни топиш имкониятини берувчи маҳсус тутгмалар кетма-кетлиги жойлаштирилади.

“Кўшиш” тутгаси бошқарув панелининг “CONTENT” қисмида, юқори ўнг бурчакда жойлашади.

“Кўшиш” тутгасидан сўнг, рўйхатнинг юқори қисмида фильтрлаш майдони жойлаштирилади. Фильтрлаш майдонида қуйидаги тутгмалар, меню ҳамда қидирав ойнаси бўлади:

Ўсиш	Камайиш	Йиллар кесимида	Ойлар кесимида	Калит сўз	Излаш
------	---------	-----------------	----------------	-----------	-------

**Ўсиш.** Тугма танланганда маълумотлар рўйхати уларнинг ID рақамига кўра ўзиш тартибида қайта шакллантирилади.

**Камайиш.** Тугма танланганда маълумотлар рўйхати уларнинг ID рақамига кўра камайиш тартибида қайта шакллантирилади.

**Йиллар кесисмида.** Веб-сайтга жойлаштирилган маълумотларнинг санасидан келиб чиқиб, менюда йиллар рўйхати кўрсатилади. Рўйхатдаги йиллардан бирни танланганда мос равища “**Ойлар кесимида**” менюсида шу йилда жойлаштирилган маълумотлар санасининг ой номлари рўйхати кўрсатилади. Агар йил танланмаса “**Ойлар кесимида**” менюсида жорий йилда жойлаштирилган маълумотларнинг ой номлари кўрсатилади.

Қидирув модулининг қидирув форма майдонига киритилган калит сўзни маълумотлар базасининг айнан бош менюдан танланган бўлимига тегишли маълумотлар жойлашган жадвал майдонларидан қидириши шарт. Қидирув натижасида топилган маълумотлар рўйхат шаклида чиқарилади.


Ҳар бир рўйхат қаторида қўйидаги маълумотлар ва тугмалар кетма-кетлиқда жойлаштирилади:

- маълумот ID рақами;
- маълумот номи;
- жойлаштирилган санаси;
- Таҳрирлаш;
- Статус (On/Off);
- Ўчириш.

Янги маълумот қўшиш учун “**Қўшиш**” тугмаси босилади ва бошқарув панелининг “**CONTENT**” қисмида тегишли маълумот бирликларини киритиш учун форма майдонлари ва тугмалар кўрсатилади.

Янги маълумотларни шу битта саҳифанинг ўзида ўзбек (лотин, кирелл), рус ҳамда инглиз тилларида киритиш имконияти бўлади.

Керакли тиллардаги форма майдонларини ва тугмаларни кўрсатиш учун “ТАБ МЕНЮ” функциясидан фойдаланилади. Тиллар “ТАБ МЕНЮ” орқали танланганда саҳифа қайта юкланмайди.



Янги маълумотни қўшиш учун форма майдонлари жойлаштириладиган маълумот туридан келиб чиқиб шакллантирилади.

саҳифаларида автоматик чоп қилиш имконияти мавжуд бўлади. Автоматик чоп қилишга мўлжалланган маҳсус тугмалар фақатгина мазкур бўлимларга янги мақола кўшиш ҳамда қўшилган мақолаларни таҳрирлаш ойналарида кўринади. Бошқа бўлимларда тугмалар кўрсатилмайди.

Янги маълумот қўшиш ҳамда олдин қўшилган маълумотни таҳрир қилиш учун мўлжалланган саҳифаларда **Таржимон модули** тугмалари ҳар доим кўрсатилади.

Қўшилган маълумотларни ижтимоий тармоқ саҳифаларида автоматик чоп қилишни белгилаш тугмалари **Таржимон модули** тугмаларидан сўнг жойлаштирилади.

Тугмалар рўйхатдан “CHECKBOX” менюси орқали танланади. Тугмалар рўйхати қуидагилардан иборат бўлади:

- Кириллдан лотинга;
- Ўзбек (кирилл) тилидан рус тилига;
- Рус тилидан лотин тилига;
- “Facebook”да чоп қилиш;
- Телеграмда чоп қилиш;
- Инстаграм чоп қилиш;
- Youtube чоп қилиш.

Маҳсус функция орқали “Facebook”, “Телеграм” ҳамда Инстаграмда фақатгина Ўзбек (кирилл) тилидаги мақолалар жойлаштирилиши белгилаб кўйилади.

Тугмалар орқали танланган маҳсус функциялар **“Сақлаш”** тугмаси босилганидан сўнг белгиланган амалларни бажаради ҳамда саҳифа формасидаги маълумот бирликларини маълумотлар базасининг тегишли майдонларига ёзиб кўяди. Сақлаш жараёни тугаганидан сўнг танланган бўлимнинг маълумотлари рўйхати жойлашган саҳифага автоматик тарзда ўтилади.

Маълумотни таҳрирлаш ойнасига **“Таҳрирлаш”** тугмаси орқали ўтилади. “Таҳрирлаш” ойнаси **“Кўшиш”** учун мўлжалланган саҳифа билан бир хил бўлади. “Таҳрирлаш” тугмаси босилганда маълумотлар базасидан айнан шу мақолага тегишли маълумот бирликларини мос равишда тегишли форма майдонларига жойлаштирган ҳолатда кўрсатади. Барча майдондаги маълумотларни ўзгартириш ёки таҳрирлаш имконияти бўлади.

**“Таҳрирлаш”** ойнасида тегишли ўзгартириш ва тузатишлар амалга оширилганидан сўнг **“Сақлаш”** тугмаси босилганда форма майдонидаги маълумот бирликларини маълумотлар базасининг тегишли майдонларига қайта ёзиб кўяди. Сақлаш жараёни амалга оширилганидан сўнг маълумотлар рўйхати жойлашган саҳифага автоматик ўтилади.

“FOOTER” қисмида сайт ишлаб чиқилған йил ҳамда бажарувчининг сайтига ҳавола жойлаштирилади.

Бошқарув панели веб-сайтнинг фойдаланувчилар учун мўлжалланган интерфейсида кўрсатиладиган маълумот бирликларини осон ва содда бошқариш имкониятини бериши керак.

Бошқарув панелида кўрсатиладиган рўйхат “PAGINATION” шаклида кўрсатилади.

### **5.3.3 МОДЕРАТОРЛАРНИ ҚЎШИШ ҲАМДА АВТОРИЗАЦИЯДАН ЎТИШ МОДУЛИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Модераторларни қўшиш ва авторизациядан ўтиш модули жойлашган саҳифа оддий фойдаланувчилар учун ёпиқ бўлади. Администратор Бажарувчи томонидан қўшилади.

Администратор ўз профили маълумотларини таҳрирлайди, паролини ўзгартиради.

Веб-сайт модераторларини фақат администратор қўшади. Администратор уларнинг профил маълумотларини таҳрирлайди, статусини (*фаол/нофаол*) ўзгартиради, тегишли хуқуqlарни беради ҳамда ўчиради.

Модераторларни қўшиш формасида қўйидаги майдонлар бўлади:

The form consists of several input fields and a button. At the top is a field labeled "Логин\*" (Login\*) with a required asterisk. Below it is a group of three radio buttons labeled "Модератор-1", "Модератор-2", and "Модератор-3", where "Модератор-1" is selected. Below these are three input fields: "Электрон почта\*" (Email address\*), "Парол\*" (Password\*), and "Паролни такрор киритинг\*" (Re-enter password\*). At the bottom right is a blue button labeled "Қўшиш" (Logout).

Администратор ва модераторлар маҳсус ҳавола орқали тизимга кириш учун уринганда, тизим логин ва парол сўрайди. Агар ушбу маълумотлар тўғри киритилган бўлса, тизим администратор ва модераторларга кириш хуқуқини беради, акс ҳолда кириш рад этилади.

Администратор ва модераторларнинг авторизациядан ўтиш модули формасида қўйидаги майдонлар бўлади:

**Кириш**

Логин
Парол

Кириш

### 5.3.4 ҚИДИРУВ МОДУЛИГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Қидирув модули фойдаланувчилар томонидан киритилган калит сўзлар орқали сўралган маълумотларни веб-сайтнинг маълумотлар базасидаги барча учун очик ҳисобланган контентлар жойлашган жадваллардан қидириши керак.

Қидирув модули калит сўзларни маълумотлар базасидаги қуидаги жадваллардан қидиради:

- Жамғарма ҳақида;
- Раҳбарият;
- Жамғарма тузилмаси;
- Жамғарма кузатув кенгаши;
- Бўлимлар;
- Бўш иш ўринлари;
- Жамғарма фаолияти;
- Давлат дастури;
- Лойиҳалар мониторинги;
- Халқаро муносабатлар;
- Иш режа;
- Очик маълумотлар;
- Давлат харидлари тўғрисида маълумот;
- Мурожаатлар билан ишлаш.
- Янгиликлар:
- Хабарлар;
- Нашрлар (*Веб-сайтга ҳавола*);
- ОАВ биз ҳақимизда;
- Фото-видеогалерея;
- Контентлар бўйича статистика.
- Ҳужжатлар;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали;
- Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг мухокамаси;

- Ягона интерактиф давлат хизматлари портали;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳуқуқий интернет портали;
- Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали;
- Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
- Илмий лаборатория асбоб-ускуналари;
- Лаборатория асбоб-ускуналари турлар;
- Стажировка нима;
- Умумий танловлар;
- Мақсадли танловлар;
- Натижалар;
- Alumniy;
- Боғланиш.

Кидирув натижаси бўйича топилган маълумотлар “**Кидирув натижаси**” саҳифасида кўрсатилиади.

Маълумот таркиби қўйидагилар иборат бўлади:

- мавзу (*асосий манбага ҳавола*);
- кисқача тавсиф (*кўни билан 20 та белги олинади*);
- маълумот жойлаштирилган сана.

Маълумотлар таркибидаги калит сўзлар алоҳида ранг билан ажратиб кўрсатилиади.

### **5.3.5 ТАРЖИМОН МОДУЛИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Таржимон модули администратор, модераторлар томонидан жойлаштирилган матнларни ўзбек (лотин), рус ҳамда инглиз тилларига таржима қилишни “Кўшиш” ҳамда “Таҳрирлаш” саҳифаларида жойлашган тутмалар танланганига асосан амалга оширади.

Таржима жараёни қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- Ўзбек (лотин) → Русча;
- Ўзбек (лотин) → Инглизча;

Таржимон модули “**Махсус имкониятлар**” бўлимига қўшимча тарзда махсус тутма орқали жойлаштирилади. Тутма босилганда таржимон модули формаси жойлашган саҳифага ўтилади.

Саҳифада модератор маълумотларни киритганда керакли тилларга таржима қилиш тутмаларини танлаш арқали амалга оширилади ва ўгириш тутмаси босилади.

Агарда “Кўшиш” ҳамда “Таҳрирлаш” саҳифаларида таржима модулининг тутмаларидан бирортаси ҳам танланмаса, Таржимон модули таржима қилишни амалга оширмайди.

Таржимон модули матнни **кириллдан лотинга** ва аксинча **лотиндан кириллга** ўгиради, шунингдек имловий хатоликларни текшириш имкониятига ҳам эга бўлади.

Агарда “Кўшиш” ҳамда “Тахирлаш” саҳифаларидағи форма майдонларининг тегишли тилларида маълумотлар киритилган, лекин Таржима модули тугмаларидан бири танланган бўлса, модуль маълумот бирликларини таржима қиласи ва маълумотлар базасининг керакли майдонларига қайта ёзиб қўяди.

Таржимон модули матнларни ўгиришда имловий хатоликларга йўл қўймаслиги керак.

### **5.3.6 МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ**

Веб-сайтнинг маълумотлар базаси PostgreSQL тизимида яратилади. Маълумотлар базаси структурасини маълумотлар базаси ҳажми кенгайганда ҳам тез (енгил) ишлаши учун зарур чоралар кўрилган бўлиши керак.

Веб-сайт маълумотлар базаси структурасини шакллантиришда **Маълумотлар тизимини бошқаришнинг** (СУБД) энг замонавий методларидан фойдаланилади.

Маълумотлар базаси администратор ҳамда модераторлар томонидан контентларни киритиш формалари ёрдамида тўлдирилади.

### **5.3.7 МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИГА КИРИТИЛАДИГАН МАЪЛУМОТ БИРЛИКЛАРИ**

**Жамғарма ҳақида, Инновациялар банки:**

- Сарлавҳа\*;
- Тўлиқ маълумот\*;
- Статус (On/Off);
- Тахаллус (Alias).

**Раҳбарият** (*Ижро этувчи директор, Ижро этувчи директор ўринбосари*):

- Ф.И.Ш\*;
- Лавозими\*;
- Қабул кунлари\*;
- Таржимаи ҳоли\*;
- Мажбуриятлари\*;
- E-mail\*;
- Телефон\*;
- Тахаллус (Alias);
- Статус (On/Off);
- Фото (*Расм ўлчами ва форматига дизайндан келиб чиқиб, тегишли шартлар қўйилади.*).).

### **Жамғарма кузатув кенгаши:**

- Ф.И.Ш\*;
- Лавозими\*;
- Таржимаи ҳоли\*;
- Мажбуриятлари\*;
- E-mail\*;
- Тахаллус (Alias);
- Статус (On/Off);
- Фото (*Расм ўлчами ва форматига дизайндан келиб чиқиб, тегишли шартлар қўйилади.*).

### **Бўлимлар:**

- Бўлим номи\* (*Бўлим турига кўра тегишли бўлимлар рўйхати чиқади*);
- Бўлим бошлиғи Ф.И.Ш\*;
- Лавозими\*;
- Мажбуриятлари\*;
- E-mail\*;
- Телефон\*;
- Тахаллус (Alias);
- Статус (On/Off);
- Вакансия (*Агарда лавозим вакант бўлса, белги қўйилади. (checkbox)*);
- Фото (*Расм ўлчами ва форматига дизайндан келиб чиқиб, тегишли шартлар қўйилади.*).

### **Ходимлар:**

- Бўлинма номи\* (*Бўлим турига кўра тегишли бўлинмалар рўйхати чиқади*);
- Ф.И.Ш\*;
- Лавозими\*;
- Мажбуриятлари\*;
- E-mail\*;
- Телефон\*;
- Тахаллус (Alias);
- Статус (On/Off);
- Вакансия (*Агарда лавозим вакант бўлса, белги қўйилади. (checkbox)*);
- Фото (*Расм ўлчами ва форматига дизайндан келиб чиқиб, тегишли шартлар қўйилади.*).

### **Инфографика, ОАВ биз ҳақимизда:**

- Сарлавҳа\*;
- Маълумот матни;

- Тахаллус (Alias);
- Статус (On/Off);
- Фото (*Расм ўлчами ва форматига дизайндан келиб чиқиб, тегишли шартлар қўйилади.*).

#### **Мурожаатлар статистикаси:**

- Сарлавҳа\*;
- Стажировка\* (*Умумий сони, кўриб чиқилди, кўриб чиқилмоқда.*);
- Ёзма мурожаатлар\* (*Умумий сони, кўриб чиқилди, кўриб чиқилмоқда.*);
- Ишонч телефони орқали мурожаатлар\* (*Умумий сони, кўриб чиқилди, кўриб чиқилмоқда.*);
- Расмий веб-сайт орқали мурожаатлар\* (*Умумий сони, кўриб чиқилди, кўриб чиқилмоқда.*);
- Тахаллус (Alias);
- Статус (On/Off).

#### **Фотогалерея:**

- Сарлавҳа\*;
- Маълумот матни\*;
- Жойлаштирилган сана (*Тизим ушибу майдонга автомат тарзда реал вақтни олади.*);
- Тахаллус (Alias);
- Статус (On/Off);
- Фото\* (*Расм ўлчами ва форматига дизайндан келиб чиқиб, тегишли шартлар қўйилади.*)

#### **Видеогалерея:**

- Сарлавҳа\*;
- Маълумот матни;
- Жойлаштирилган сана (*Тизим ушибу майдонга автомат тарзда реал вақтни олади.*);
- Тахаллус (Alias);
- Видео линк\* (*Youtube.com, uTube.uz, хостингда жойлашган видео линки жойлаштирилади.*);
- Статус (On/Off).

#### **Кўп бериладиган саволлар:**

- Савол\*;
- Жавоб матни\*;
- Статус (On/Off).

#### **Илмий тадбирлар, Медиарежа:**

- Сарлавҳа\*;
- Тадбир (*жар бир тадбир алоҳида киритилади*):
  - Табдир даражаси\* (*халқаро, маҳаллий*);
  - Тадбир тури\* (*Анжуман, Конгресс, Симпозиум, Форум, Семинар, Очилиши маросими, Пресс-конференция, Учрашув, ОАВда ёритиши*);
  - Тадбир номи\*;
  - Тадбирнинг бошланиш санаси ва вақти;
  - Тадбирнинг тугаш санаси ва вақти;
  - Тадбир ўтказиладиган жой манзили\*;
  - Масъул ташкилотлар\*;
- Тахаллус (*Alias*);
- Статус (On/Off).

#### **Хужжат тури:**

- Хужжат турининг номи\* (*Қонунлар, Президент Қарор ва Фармонлари, Ҳукумат қарор ва фармонлари, Жамғарма меъёрий ҳужжатлари, Кучини йўқотган меъёрий ҳужжатлар, Меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари.*);
- Статус (On/Off).

#### **Хужжатлар:**

- Хужжат тури\*;
- Хужжат номи\*;
- Хужжатнинг lex.uz порталидаги ҳаволаси\*;
- Тахаллус (*Alias*);
- Статус (On/Off).

#### **Стажировка эълони:**

- Сарлавҳа\*;
- Эълон матни\*;
- Эълон қилинган сана\*;
- Қабул тугаш санаси\*;
- Тахаллус (*Alias*);
- Статус (On/Off);
- Фото\* (*Расм ўлчами ва форматига дизайндан келиб чиқиб, тегишили шартлар қўйилади.*).

#### **Стажировка натижаси:**

- Ф.И.Ш\*;
- E-mail\*;
- Телефон\*;

- Натижа\*;
- Сарлавҳа\*;
- Маълумот матни\*;
- Тахаллус (*Alias*);
- Статус (On/Off).

#### **Боғланиш:**

- ФИШ\*;
- Электрон почта манзили\*;
- Телефон\*;
- Хабар\*.
- Статус (On/Off).

*Изоҳ: \* - тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар.*

#### **5.3.8 ВЕБ-САЙТ БЎЛИМ ВА САҲИФАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Веб-сайтнинг фойдаланувчилар учун мўлжалланган интерфейсининг бўлим ва саҳифалари имкониятларга қўйиладиган талаблар:

Барча ички саҳифалар дизайнни бош саҳифа дизайнни асосида ишлаб чиқилади.

**Жамғарма хақида.** Саҳифалар структураси бир хил бўлади. Саҳифа учун жойлаштирилган қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- сарлавҳа;
- тўлиқ маълумот.

**Раҳбарият, Раҳбар ўринбосари** (*Ижро этувчи директор, Ижро этувчи директор ўринбосари*). Бу саҳифалар бир хил структурада ишлаб чиқилади. Дастлаб **Раҳбарият/Раҳбар ўринбосарининг** рўйхати жойлашган саҳифа очилади. Рўйхатда қўйидаги маълумотлар бўлади:

- раҳбар/масъул шахснинг расми;
- **раҳбар/масъул шахснинг лавозими** (*Батафсил маълумотни кўриши учун ҳавола жойлаштирилади.*);
- тўлиқ фамилия, исми, шарифи;
- қабул кунлари (*Раҳбар ёрдамчисида бу маълумот кўрсатилмайди.*);
- электрон почта манзили;
- иш телефон рақами;
- ички рақами.

Ҳавола орқали ўтилган саҳифада танланган раҳбар/масъул шахс тўғрисидаги маълумотлар “ТАБ MENU” шаклида чиқарилади. Менюда қўйидаги бандлар бўлади:

- **Раҳбар ўринбосари** (*Ижро этувчи директор ўринбосари*):

- раҳбар/масъул шахснинг расми;
  - раҳбар/масъул шахснинг тўлиқ фамилия, исми ва шарифи;
  - лавозими;
  - қабул кунлари (*Вазир маслаҳатчилари, Халқаро маслаҳатчилар, Илмий котиб, Вазир ёрдамчисиларида бу маълумот кўрсатилмайди.*);
  - электрон почта манзили;
  - иш телефон рақами;
  - ички рақами;
- **Таржимаи ҳол** (*Раҳбар, раҳбар ёрдамчисининг таржимаи ҳоллари кўрсатилади.*);
- **Мажбуриятлари.** (*Раҳбар, раҳбар ёрдамчисининг ёрдамчиларининг лавозим мажбуриятлари кўрсатилади.*).

**Бўлимлар.** Саҳифалар структураси бир хил бўлади. Дастрраб бошқарма ва мустакил бўлимларнинг рўйхати жойлашган саҳифа очилади. Рўйхатда қўйидаги маълумотлар бўлади:

- бўлинма бошғилининг расми;
  - бўлинма бошлиғининг тўлиқ фамилия, исми ва шарифи;
  - **лавозими** (*Батофсил маълумотни қўриши учун ҳавола жойлаштирилади.*);
  - электрон почта манзили;
  - иш телефон рақами;
  - ички рақами.
- **Ходимлар** (*Бўлинма ходимлари рўйхати чиқарилади*):
- ходимнинг расми;
  - ходимнинг тўлиқ фамилия, исми ва шарифи;
  - лавозими;
  - электрон почта манзили;
  - иш телефон рақами;
  - ички рақами.
- **Фаолият.** Бу банд орқали айнан шу бўлинма томонидан амалга оширилган ишлар, лойиҳалар тўғрисида мақолалар кўрсатилади. Мақолалар жойлашуви “**Жамхарма фаолияти**” саҳифасидагидек рўйхат шаклида жойлаштирилади.
- **Фаолият йўналишлари.** Ташкилотнинг фаолият йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.


**Жамғарма тузилмаси.** Саҳифада жамғарманинг структураси интерактив тарзда ишлаб чиқилади. Интерактив структура тузилмасида:

- лавозим номи;
- бўлинма номи;

- бўлинма ходимлари сони кўрсатилади.

Интерактив структуранинг ҳар бир майдонига ҳаволалар жойлаштирилади.

Ушбу ҳавола босилганда маҳсус “Модалойна” очилади. “Модалойна”да тегишли раҳбар, таржимаи хол, бўлинма тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.



### **Фото**

- бўлинма раҳбарининг лавозими (*Бўлинма раҳбарининг лавозим йўриқномаси батарфсил маълумотни кўриши учун ҳавола жойлаштирилади.*);
- электрон почта манзили;
- иш телефон рақами;
- ички рақами;
- бўлинма ходимлари сони;
- **бўлинма ходимлари:**
  - *фото*
  - *тўлиқ фамилия, исми, шарифи;*
  - *лавозими;*
  - *электрон почта манзили.*
  - *иш телефон рақами;*
  - *ички рақами;*

**Бўш иш ўринлари.** Жамғарма ходимлари тўғрисидаги маълумотлар киритилиш жараёнида лавозим вакант бўлса, модератор “Вакансия” тугмасига белги кўйиб кетади. “Бўш иш ўринлари” саҳифаси учун маълумотлар автоматик тарзда

шаклланади. Жамғарманинг мавжуд вакант жойларнинг умумий сони саҳифанинг юқори қисмида кўрсатилади. Шундан сўнг бўш иш ўринларига номзодлар учун қўйиладиган талабларни акс эттириш учун қўйидаги маълумотлар кетама-кетлика жойлаштирилади:

- лавозим номи;
- лавозим учун номзодга қўйиладиган талаблар;
- тезкор боғланиш учун “Кадрлар” бўлимiga ҳавола (*Ҳавола саҳифанинг пастки қисмида, маълумотлардан кейин “Кадрлар бўлими” тугмаси орқали жойлаштирилади.*).

Бўш иш ўринлари бўлмалмаган холатда мадератор томонидан бўш иш ўринлари мавжуд эмас бўлимини танлаш орқали барча тилларда сахифани намоён қилиш мумкин бўлади.

Бўш иш ўринларига ўз номзодини топширувчилар “ish.mehnat.uz” сайти орқали топширишлари учун ҳавола қўйилади.

**Янгиликлар, Жамғарма фаолияти, Давлат дастури, Лойиҳалар мониторинги, Ҳамкорлик, Меморандумлар, Сафарлар, Учрашувлар, Инвестиция.** Бу саҳифаларнинг структураси бир хил бўлади. Саҳифа очилганда дастлаб 12 та мақола чиқади. Рўйхатдаги мақола фонида қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- мақола миниатураси;
- **мақола номи** (*Мақолани тўлиқ ўқии учун ҳавола.*);
- чоп қилинган сана;
- кўришлар сони;
- бўлинма номи (*Фақатгина “Янгиликлар” саҳифасида кўринмайди.*).

Мақолалар рўйхатидан кейин саҳифа марказида “**Яна кўриш**” тугмаси жойлаштирилади. Ҳар сафар тугма босилганда саҳифага навбатдаги 12 та мақола юкланиб боради.

Мақолаларни тўлиқ ўқиш учун мўлжалланган саҳифада фойдаланувчиларга қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- мақола сарлавҳаси;
- тўлиқ мақола;
- расм (*мақола матнида ичida, 2-абзацдан кейин жойлашади. Расм кенглиги бўйича саҳифани тўлиқ (width:100%)эгаллайди.*);
- мақола жойлаштирилган сана;
- чоп этиш учун тугма;
- кўришлар сони;
- мақолани ижтимоий саҳифаларда улашиш учун тутгалар.

Шунингдек, саҳифаларда фотогалерея ҳамда видеогалерея жойлаштириш имконияти бўлади.

**Инфографика, ОАВ биз ҳақимизда.** Саҳифалар структураси бир хил бўлади. Дастреб саҳифада мақолалар рўйхат шаклида кетама-кет 12 та мақола кўрсатилади. Мақолалар жойлаштирилган санасига кўра камайиш тартибида жойлаштирилади.

Мақолалар рўйхатидан кейин саҳифа марказида “**Яна кўриш**” тугмаси жойлаштирилади. Ҳар сафар тугма босилганда саҳифага навбатдаги 12 та мақола юкланиб боради.

Ҳар бир мақола учун ажратилган фонда қуидаги маълумотлар жойлаштирилади:

- мақола миниатураси;
- **мақола номи** (*Мақолани тўлиқ ўқиши учун ҳавола.*);
- чоп қилинган сана;
- кўришлар сони.

Мақолаларни тўлиқ ўқиши учун мўлжалланган саҳифада фойдаланувчиларга қуидаги маълумотлар кўрсатилади:

- сарлавҳа;
- мақола матни;
- расм;
- чоп этиш учун тугма;
- кўришлар сони;
- мақолани ижтимоий саҳифаларда улашиш учун тутгмалар.

**Мурожаатлар статистикаси.** Саҳифада жамғармага жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар ва уларнинг ижро ҳолати бўйича маълумотларни график диаграмма кўринишида акс эттирилади. Диаграммаларда қуидаги маълумотлар кўрсатилади:

- сарлавҳа;
- стажировка бўлимни орқали:
  - *мурожсаатлар сони;*
  - *кўриб чиқилди;*
  - *тегишилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилди;*
  - *кўриб чиқилмоқда;*
- ишонч телефони орқали:
  - *мурожсаатлар сони;*
  - *кўриб чиқилди;*
  - *кўриб чиқилмоқда;*
- ёзма равища:
  - *мурожсаатлар сони;*

- *кўриб чиқилди;*
- *тегишилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилди;*
- *кўриб чиқилмоқда;*
- расмий веб-сайт орқали:
  - *мурожсаатлар сони;*
  - *кўриб чиқилди;*
  - *кўриб чиқилмоқда;*
- умумий статистика:
  - *мурожсаатлар умумий сони;*
  - *кўриб чиқилди;*
  - *кўриб чиқилмоқда.*

Сахифада стажировка, ишонч телефон, ёзма, расмий веб-сайт орқали келиб тушган мурожаатларнинг ижро ҳолати ҳамда умумий статистика бўйича маълумотлар алоҳида-алоҳида диаграммаларда кўрсатилади.

**Медиарежа, Илмий тадбирлар.** Сахифа бир йил давомида амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар **интерактив календарь** шаклида кўрсатилади. Календарда қайси санада тадбир ўтказилиши режалаштирилган бўлса, айнан шу саналар алоҳида рангда кўрсатилади ва унга ҳавола жойлаштирилади. Ҳавола орқали белгиланган тадбир тўғрисида маълумотлар “Модал ойна” ёрдамида куйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- сарлавҳа;
- тадбир номи;
- табдир даражаси;
- тадбир тури;
- тадбирнинг бошланиш санаси ва вақти;
- тадбирнинг тугаш санаси ва вақти;
- тадбир ўтказиладиган жой манзили;
- масъул ташкилотлар.

**Фотогалерея, Видеогалерея.** Сахифада 12 тадан галерея жойлашади. Сахифада жойлашган галерялар қатори сўнгиди барча галеряларни кўриш учун “Яна кўриш” тугмаси жойлаштирилади. Тугма ҳар сафар босилганда яна 12 тадан галерая кўрсатилади.

Ҳар бир галерея учун ажратилган фонда куйидаги маълумотлар жойлаштирилади:

- галерея миниатураси;
- **галерея номи** (*Тўлиқ кўриши учун ҳавола.*);
- чоп қилинган сана;
- кўришлар сони.

Галеряларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- галерея номи;
- фото/видео файл;
- маълумот;
- жойлаштирилган сана;
- кўришлар сони;
- галереяни ижтимоий саҳифаларда улашиш учун тутмалар.

Фотогалереяни маҳсус слайдер орқали кўриб чиқиш имконияти бўлади.

Видеоларни кўриш учун енгил ва тез юкланадиган медиаплейрдан фойдаланилади.

**Кўп бериладиган саволлар.** Барча саволлар битта саҳифада кўринади. Фойдаланувчилар саҳифада савол ва унинг жавобларини “аккордеон” усулида кўришлари керак.

**Контентлар статистикаси.** Саҳифада кўрсатилиши керак бўлган статистик маълумотлар веб-сайтга жойлаштирилган контентлар сонидан келиб чиқиб, маълумотлар базасидан автоматик тарзда шакллантирилади. Маълумотлар йиллар, ойлар кесимида кўрсатилади. Статистик маълумотлар график кўринища тасвиранади. Саҳифада қуидаги маълумотлар бўлади:

- саҳифалар сони;
- мақолалар сони;
- фотогалереялар сони;
- видеогалереялар сони;
- меъёрий ҳужжатлар сони;
- интерактив саҳифалар сони;

**Стажировка, Эълонлар.** Саҳифалар структураси бир хил бўлади. Бўлим бошида стажировка хақида умумий маълумотлар келтирилади. Стажировка учун мавзулар банки саҳифа очилганда жами 12 та энг сўнги эълон қилинган стажировка танловлар банки кўрсатилади. Стажировка эълонлари ҳужжатлар қабул қилиш муддати тугашига кўра камайиш тартибида жойлаштирилади. Саҳифада стажировка эълонлари 4 тадан, 3 қатор қилиб жойлаштирилади. Ҳар бир стажировка эълони учун ажратилган жойда қуидаги маълумотлар бўлади:

- Стажировка эълон номи (*Танловни тўлиқ матнини кўриши учун саҳифага ҳавола жойлаштирилади.*);
- эълон қилинган сана;
- қабул муддати;
- натижалар (*агар танлов натижалари веб-сайтга жойлаштирилган бўлса, айнан шу танлов натижаларини кўриши учун “Натижалар” тугмаси кўрсатилади. Акс ҳолда кўринмайди.*)

Стажировка эълони қабул тугаш муддатига кўра камайиш тартибида жойлаштирилиши керак. Бу саҳифада стажировка эълон мавзуси устига сичқонча

күрсаткичи борганда “**hover**” функцияси ёрдамида түлиқ мавзу қўрсатилади. Хужжатларни қабул қилиш муддатлари тугаган ва тугамаган стажировка эълонлар бир биридан автомат фон ранги орқали ажратилади.

Умумий ва Мақсадли танловлар жойлашган сахифада.

- Ф.И.Ш;
- Телефон;
- Почта;
- Иш жойи ва лавозими
- Стажировка ўтказиладиган давлат, қабул қилувчи ташкилотлар
- Стажировка давомийлиги
- Стажировка ўташ соҳасини танлаш (*Ахборот технологиялари, Қишлоқ хўжалиги, Соғлиқни сақлаш, Илм-фан, Бизнес, Сиёсат, Иқтисодиёт, Экология, Туризм, Бошқалар*);
- Тавсифи; (Кўшимча маълумотларни ёзинг)
- Кузатув хатини юклаш (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*);
- Стажировка режаси (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*);
- Илмий кенгаш қарори (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*);
- Стажировка ўташ учун таклифнома (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*);
- Стажировка дастури (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*);
- Маълумотнома (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*);
- Олий маълумотни тасдиқловчи хужжат (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*);
- Паспорт (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*);
- PhD диплом (агар мавжуд бўлса) (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*);
- IELTS (агар мавжуд бўлса) (*Файл формати: .doc, .pdf, .dJV, .txt, .png, .gif, .jpeg, максимал ҳажми: 3 Мб*);
- CAPTCHA;
- Ўбориш. (Бўлимлар тўлиқ тўлдирилиши шарт).

**Қонунлар, Президент қарор ва фармонлари, Хукумат қарор ва фармонлари, Вазирлик меъёрий хужжатлари, Жамғарма меъёрий хужжатлари, Кучини йўқотган меъёрий хужжатлар, Меъёрий хужжатлар лойиҳалари.** Сахифалар структураси бир хил бўлади. Маълумотар кетма-кет қатор қилиб

жойлаштирилади. Ҳужжатни “TAB MENU” ёрдамида танланган турларини кўриш имконияти бўлади. Ҳужжат турлари қўйидагилар:

### **Ҳужжатлар:**

- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти;**
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси;**
- **Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали;**
- **Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси;**
- **Ягона интерактив давлат хизматлари портали;**
- **Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳуқуқий интернет портали;**
- **Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали;**
- **Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.**

Саҳифаларда қўйидаги маълумотлар ва тугмалар бўлади:

- меъёрий ҳужжат номи;
- меъёрий ҳужжат қабул қилинган сана;
- меъёрий ҳужжатнинг Lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидаги ҳаволаси;
- \*.PDF форматда юклаб олиш (*Ҳавола Lex.uz сайтидан олинади. PDF файл иконкаси жойлаштирилади.*);
- \*.DOCX форматда юклаб олиш (*Ҳавола Lex.uz сайтидан олинади. DOCX файл иконкаси жойлаштирилади.*);
- кўришлар сони;
- ижтимоий саҳифаларда улашиш учун тугмалар.

**Сайт харитаси.** Сайт харитасида веб-сайтнинг барча саҳифалари рўйхати иерархик шаклда жойлаштирилади. Рўйхат автоматик равишда ҳосил бўлади. Тегишли саҳифаларга ўтиш учун ҳаволалар жойлаштирилади.

**Боғланиш.** Бу саҳифада жойлашган форма орқали фойдаланувчилар савол ва таклифларини юборади.

Форма қўйидаги майдон ва тугмалардан иборат бўлади:

- ФИШ\*;
- Электрон почта\*;
- Телефон;
- Хабар\*;
- CAPTCHA;
- Юбориш.

Хабарлар контентни бошқариш тизимининг “Мурожаатлар” саҳифасида рўйхат асосида кўрсатилади.

Веб-сайтнинг “**Боғланиш**” саҳифаси орқали келиб тушган мурожаатларга Модератор-2 “Мурожаатлар”ни бошқариш саҳифасининг ўзида туриб жавоб бериш имкониятига эга бўлади.

Мурожаатга жавоб бериш формасида қўйидаги майдонлар бўлади:

- Мавзу\*;
- Хабар\*;
- Муаллиф электрон почтаси\* (*Майдонга автоматик тарзда мурожсаат муаллифининг электрон почтасини олиб жойлаштиради. Таҳрирлаш имконияти бўлади.*);
- Юбориш.

Жавоб берилган мурожаатлар алоҳида ранг билан ажратиб кўрсатилади.

**Хато 404.** Саҳифада керакли саҳифа топилмаганлиги тўғрисида хабар ва фойдаланувчига веб-сайтнинг бош саҳифасига ўтиш учун ҳавола тақдим этилади.

Веб-сайтнинг “**Боғланиш**” ҳамда “**Хато 404**” саҳифалари статик бўлади.

## **5.4 ВЕБ-САЙТНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

### **5.4.1 ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Веб-сайтни ишлаб чиқиша лицензия талаб қилмайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган дастурлардан фойдаланилади.

Веб-сайтнинг даструрий таъминот (*Back-end*) қисми **Golang** дастурлаш тилида ишлаб чиқилади.

Шунингдек, **Python** дастурлаш тили имкониятларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Визуал график интерфейсни структурасини яратишида қўйидаги замонавий веб-технологиялардан фойдаланилади:

- HTML5;
- Django;
- CSS3;
- JavaScript;
- jQuery ва бошқалар.

Веб-сайт фойдаланувчи иш станциясида созланган қўйидаги браузер дастурларида тўғри ва хатоларсиз ишлиши таъминланади:

- Microsoft Edge
- Internet Explorer, 10 ва ундан юқори версиясида;
- Mozilla Firefox, 40 ва ундан юқори версиясида;
- Opera, 32 ва ундан юқори версиясида;

- Google Chrome, 46 ва ундан юқори версиясида;
- Apple Safari, 8.0 ва ундан юқори версиясида.

#### **5.4.2 ЛИНГВИСТИК ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Фойдаланувчиларнинг веб-сайтдан қулай шаклда фойдаланиши учун лингвистик имконият етарли даражада таъминланган бўлиши керак. Веб-сайт интерфейсининг тил жиҳатдан ўзбек (кирилл, лотин), рус ҳамда инглиз тилларида қўллаб-қувватлаши талаб этилади.

#### **5.4.3 ТАШКИЛИЙ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**


Техник ходимлар, веб-сайтни жойлаштириш ва уни ривожлантириш учун масъул бўлган ходимлар қуидагиларга мажбур:

- ишлаб чиқувчиларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олган ҳолда техник жиҳозларни ўрнатишда ёрдам кўрсатиш;
- веб-сайт контентини бойитишда, зарур маълумотлар билан тўлдиришда ҳамкорликда ишлаш;
- веб-сайтни ишлаб чиқиш жараёнидаги мавжуд камчиликлар ва кичик ўзгаришларни ҳамкорликда бартараф этиш;
- веб-сайтда содир бўлган барча салбий ўзгаришлар тўғрисида хабар бериш.

#### **5.4.4 ВЕБ-САЙТНИНГ ДИЗАЙН ҚИСМИГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Веб-сайт дизайни имкон қадар содда, криатив ёндошув асосида ишлаб чиқилиши керак. Веб-сайтнинг барча қурилмаларда (*компьютер, планшет, смартфон*) тез юкланишини таъминлаш шарт.

Дизайн адаптив (мослашувчан) бўлади ҳамда у қуидаги стандарт ўлчамларга маслашади:



Визуал дизайннинг барча элементлари 5.1.4-банд талабларига кўра ишлаб чиқиласди.

Имконияти чекланган фойдаланувчилар учун қуйида маҳсус функциялар бўлиши керак:

- Овозли ўқиш;
- Заиф кўрувчилар учун (веб-сайт фон рангини, шрифт ўлчамларини, матн ҳамда расмлар рангини ўзгариши) имконияти.
- Мобил талқинга ўтиш тугмаси.

#### **5.4.5 ВЕБ-САЙТДА ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ МАЖБУРИЙ БЎЛГАН АХБОРОТЛАР ҲАМДА ВЕБ-САЙТНИ ЮРИТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Веб-сайтда жойлаштирилиши мажбурий бўлган ахборотлар рўйхати ҳамда веб-сайтни юритишга қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июндаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш холатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 373-сон қарорига асосан амалга оширилади.

#### **5.4.6 ВЕБ-САЙТНИНГ ТАРКИБИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Веб-сайт ахборотлари таркиби унинг фаолияти холисона ёритилишини таъминлаши керак.

Веб-сайтга жойлаштирилган ахборот ишончли бўлиши керак. Давлат ва хўжалик бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи раҳбари расмий веб-сайтга жойлаштириладиган ахборотларнинг ишончлилиги учун жавоб берадилар.

Веб-сайтга жойлаштириладиган ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ахборот билан тенг кучга эга бўлади.

Веб-сайтда давлат сирларига, хизматда фойдаланишга тааллуқли ва қонун хужжатлари билан эълон қилиш ва тарқатиш тақиқланган бошқа ахборотлар бўлмаслиги керак.

### **6 ВЕБ-САЙТНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

Веб-сайтни ишлаб чиқиши ишлари қуйидаги жадвал бўйича амалга оширилади:

<b>№</b>	<b>Иш номи</b>	<b>Муддат</b>	<b>Масъул</b>
1.	Техник топшириқни келишиш.		Буюртмачи, Бажарувчи
2.	Маълумотлар базаси структурасини шакллантириш.		Бажарувчи
3.	Веб-сайт структураси ва чизмасини тайёрлаш.		Бажарувчи
4.	Веб-сайт дизайнни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш.		Бажарувчи

5.	Веб-сайтнинг даструрий таъминот қисмини ( <i>Back-end</i> ) ишлаб чиқиш.		Бажарувчи
6.	Фойдаланувчи интерфейсини ( <i>Front-end</i> ) ишлаб чиқиш.		Бажарувчи
7.	Контентни бошқариш учун мулжалланган интерфейсни ишлаб чиқиш (Бошқарув панели).		Бажарувчи
8.	Модераторларни қўшиш ҳамда авторизациядан ўтиш модулини ишлаб чиқиш.		Бажарувчи
9.	Қидирув модулини ишлаб чиқиш.		Бажарувчи
10.	Таржимон модулини ишлаб чиқиш.		Бажарувчи
11.	Натижалар модулини ишлаб чиқиш.		Бажарувчи
12.	Буюуртмачи тақдим қилган маълумотларни киритиш.		Бажарувчи
13.	Тест режимида ишга тушириш.		Бажарувчи
14.	Камчиликларни тузатиш ҳамда кафолатли техник хизмат кўрсатиш.	Веб-сайт қабул қилиб олинганидан сўнг 365 кун	Бажарувчи

## 7 НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Веб-сайтни қабул қилиш Буюуртмачи томонидан техник топшириқда белгиланган муддатлар ва талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Техник топшириққа ўзгартириш киритиш хужжат тасдиқланган кундан бошлаб 12 ой муддат ичida далолатнома асосида амалга оширилиши керак.

Бажарувчи ишларни тўлиқ якунлаганидан сўнг Буюортмачига актлар ва далолатнома асосида ишни топширади.

Веб-сайтни ишлаб чиқиш жараёнида келиб чиқкан ўзгаришлар ва қулайликлар инобатга олинади.

Веб-сайтни техник топшириққа мувофиқ ишлаб чиқиш жараёнида техник топшириқдан ташқари, Бажарувчининг таклифлари Буюортмачи томонга мақул келган холатда мақулланади.

Веб-сайтни ишга тушурилгандан сўнг веб-сайтни Кибер хавфсизлик маркази давлат унитар корхонаси томонидан Давлат ва ахборот тизимларини яратища техник ва ахборот хавфсизлиги талабларига асосан экспертиздан ўтказиш ҳамда Кибер хавфсизлик маркази томонидан аниqlangan камчиликларни бартараф этиш.

Синов ишлари ва кафолатли техник хизмат кўрсатишни таъминлаш учун Бажарувчи қуйидаги маълумотларни Буюортмачига тақдим қиласи:

1. Иш соатлари давомида алоқада бўладиган мутахассис;
2. Маълумот алмашиш учун электрон почта;
3. Тўғридан-тўғри тезкор алоқа учун телефон рақам.

Иш расман топширилганидан сўнг кафолат муддати (365 календарь куни) давомида веб-сайтга техник хизмат кўрсатишни Бажарувчи ўз зиммасига олади.

Бажарувчи Буюртмачи билан имзолаган шартнома шартларини бажариш жараёнида олинган маълумотларни бошқа шахсларга тарқатмаслик ёки улардан турли мақсадларда фойдаланмаслик мажбуриятини олади.


**Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб қувватлаш жамғармаси  
расмий веб-сайтини ишлаб чиқиши бўйича техник топшириқни  
тасдиқловчилар**

Ижро этувчи директор



Б.Охунов

Ижро этувчи директор ўринбосари



Ж.Тавакалов

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бўлими  
бошлиғи



Б.Эркинов

Ахборот хавфсизлиги ва АКТ бўйича этакчи  
мутахассис



М.Турсунқулов